Истиқлол қаҳрамонлари

# Абдулла АВЛОНИЙ



Танланган асарлар

**Истиқлол қаҳрамонлари**

*Абдулла*
# АВЛОНИЙ

## ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



**Истиқлол қаҳрамонлари**

*Абдулла*
# АВЛОНИЙ

# ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

2 ЖИЛДЛИК

**2-жилд**

## ПАНДЛАР, ИБРАТЛАР, ҲИКОЯТЛАР, НАБИЙЛАР ҲАЁТИ, ДРАМАЛАР, МАҚОЛАЛАР, САЁҲАТ ХОТИРАЛАРИ

2-нашри

11р24
TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
№ 34798

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2006

**Таҳрир ҳайъати:**

*Наим Каримов, Нажмиддин Комилов, Дилором Алимова, Бойбўта Дўсқораев, Суннат Аҳмедов, Шуҳрат Ризаев, Усмон Қўчқоров*

Абдулла Авлонийнинг таълимий-ахлоқий асарлари, хусусан, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласи асрий қадриятларимиз, миллий маънавиятимиз тикланаётган бугунги кунларимиз учун ғоят долзарб бўлиб турибди. Машҳур маърифатчининг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» дарсликларидан келтирилган ихчам ҳикоялар, «Тарихи анбиё»сидаги маълумотлар ёш авлод тарбияси учун фойдадан холи эмас. Адиб драмалари эса ўзбек театрчилигининг тамал тошини қўйган театр арбобининг интилиш ва имкониятларини, ўзбек драмачилигининг илк қадамларини яқинроқдан кўриш ва англашга ёрдам беради.

Ниҳоят, ушбу 2-жилддан ўрин олган «Афғон саёҳати» кундаликлари хиёнат ва алдов, қилич ва қон билан дунёга келган қизил салтанатнинг фожиаларга тўла 1919 йили ҳақидаги ёрқин ҳужжатдир.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи — **Бегали Қосимов**

Изоҳлар ва луғатни **Олим Тўлабоев** тузган.

А 22

**Авлоний, Абдулла.**

Танланган асарлар: 2 жилдлик. 2-нашри. 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари // Таҳрир ҳайъати: Н. Каримов ва бошқ.; Тўпловчи: Б. Қосимов; Изоҳлар ва луғатни О. Тўлабоев тузган/. — Т.: «Маънавият», 2006. — 304 б.— (Истиқлол қаҳрамонлари).

Ўз2

А $\frac{4202620204-18}{M25(04)-06}$

© «Маънавият», 2006 й.

# ПАНДЛАР, ҲИКОЯТЛАР, ИБРАТЛАР

## «БИРИНЧИ МУАЛЛИМ»* КИТОБИДАН

* 1915 йилги 3-нашри (Т., Порцев литогр.) асосида тайёрланди.

## МУАЛЛИМ АФАНДИЛАР ДИҚҚАТИНА

Муҳтарам муаллим афандиларимиздан рижо қилурманки, бизнинг «Биринчи муаллим»имиздан ҳам олуб, тажриба қилуб, ўқутуб кўрсалар. Чунки ҳар гулнинг бир иси, ҳар меванинг бир таъм ва мазаси вордур. Бу «бўй» ва таъм эса тажриба соҳибларина кашф ва маълум ўлур. Шояд, миллат болаларина фоидабахш ўлур умидинда бир неча муаллимларимизнинг илтижолари ила кўб вақт тажриба сўнгиндан бу рисолаи ожизонамни «Биринчи муаллим» исми-ла майдони интишора қўйдим. Маорифпарвар муаллим биродарларимиз илтифотсиз қолдурмасалар керак. Инсон нуқсондан холи ўлмадиғи каби қилғон амали ҳам қусур ва хатодан ори(й) ўлмас. Шул сабабли муаллим афандиларимиз ҳар бир қусур ва камчиликларимдан танбиҳ ва танқид ила огоҳ қилсалар эди.

*Тошканд, муаллим Абдулла Авлоний.*

## ЯМОНЛИҚ ЖАЗОСИ

Бир кишининг Қосим исмли бир ўгли бор эди. Ота ва онасининг сўзиға кирмасдан ҳар хил ямон ишларни қилур эди. Болалар бирла урушуб, яқолашуб, кийимларини йиртуб келар эди. Уйда онаси меҳмон учун асраб қўйган таомларини егон вақтда, онаси:

– «Қосим ўғлум! Таомни сен едингму?» – деса, – «Мен еганим йўқ, мушук егандир», – дер эди. Бир куни отаси устол устиға бир танга пул қўюб, ўзи ухлаган киши бўлиб ётди. Қосим келуб, секин тангани олиб оғзиға солди. Шул вақт отаси ушлаб олмоқчи бўлгонда тангани ютуб юборди. Танга боруб, Қосимнинг ҳалқумиға тиқилиб, жон берди.

Эй болалар! Кўрдингизми, ямоннинг ямонлиғи ўз бошиға етди.

## ҚАНОАТ

Бир кишининг Али ва Вали исмли ики ўғли бор эди. Али қаноатли, Вали қаноатсиз эди. Бир кун отаси бозордан олма олуб келуб, болаларини синамоқ учун чақируб, мана, сизга олма бераман, – деди. Вали тезлик била келуб: «Отажон, менга ҳаммасини беринг», – деди.

Али секингина келуб, манга биргина олма берсангиз бўладур, – деди. Отаси Алининг қаноатига офарин қилуб, қучоғига олуб, пешонасидан ўпуб, ики олма берди. Аммо Валига олма бермак қайда, балки қаноатсиз бўлма, деб адаб берди.

Қаноат бирла қорин тўйғузурсиз,
Қаноат бўлмаса, кўп оч қолурсиз.
Қаноатсиз киши бағрини доғлар,
Қаноатлик киши оғзини ёғлар.

## ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛУР

Бир кун бечора Хурус аёғлари ила хашак аросини ахтаруб тургон замонда бир дона марварид топди. Ул марваридни чўқуб-чўқуб, нола қилуб: «Оҳ, ақлсиз одам болалари! Ҳеч нарсага ярамайдургон нарсаларни қадрлик билуб, энг қадрлик нарсаларни қадрин билмаслар. Ҳозирда ман буни тобғунча, бир дона буғдой тобсам эди, манга овқат бўлур эрди», – деб хафа бўлурди.

Ҳар киши ўз нафсига бир пул учун ғавғо қилур,
Бошқага минг сўм зарар келса, қачон парво қилур.
Ҳар ким ўз қорнин адосидур, агар эшондур,
Қушдур, инсондур, ўзининг қорниға қурбондур.

## ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАС

Бир ари сув устинда учуб борур эди. Бирдан сувга йиқилуб кетди. Қанотлари ҳўл бўлиб учарга кучи етмади. Ўлар ҳолатга етди. Буни бир Кабутар кўруб, Арига раҳми келуб, дарҳол бир чўбни тишлаб, сувга ташлади. Бечора Ари бу чўбни кема қилуб, сув балосидан қутулди. Ародан кўп ўтмади. Бир бола тузоқ қўюб, Кабутарни тутмоқчи бўлди. Ари буни кўргон замон келуб, болани қулоғини чоқди. Бола қулоғининг аламидан тузоқни ташлаб, қулоғини ушлади. Кабутар вақтни ғанимат билуб, учуб кетуб ўлимдан қутулди.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён,
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,
Сўз ямон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

### ТЎҒРИЛИК

Бир кампирнинг уйинда бир туп балх тути бор эди. Ниҳоятда тўғри ўсган эди. Бечора кампирнинг шул тутдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Пишган вақтда қурутуб олуб, бордонга солуб, бойларга тортуқ қилуб, пул олуб, бутун авқотини тут сотуб ўткарур эди. Бир кун ул шаҳарнинг подшоҳи бир айвон солмоқчи бўлуб, устун охтарганда кампирнинг тути тўғри келди. Подшоҳ тутни минг олтунга сотуб олди. Бечора кампир бой хотун бўлуб қолди. Бир кун тутни кўргали борди. Кўрдики, тути жаннат каби бир айвон ўртасинда турубдур. Кампир тутига қараб дедики:

Эй тутим, тўғрилиғинг қилди бизи давлатға ёр,
Эгри бўлсанг, сан ўтун бўлғай эдинг, ман хор-зор,
Тўғрилар жаннатнинг айвониндадур,
Ўғрилар ранжу алам кониндадур.

### ИТТИФОҚ

Ҳайвонлар ичинда энг кичиклари чумолилардур. Лекин ўзлари кичик бўлсалар ҳам ниҳоятда ғайратлик, иттифоқ ҳайвонлардур. Ўзларича подшоҳлари, катталари, аскарлари бўладур. Улуғлари нимани буюрса шуни қилур. Иттифоқ ва ғайратлари соясинда ўзларидан катта-катта душманлардан қўрқмаслар. Агар ари каби душман келуб, бирларига тегса, ҳаммалари бирдан душманга ёпушуб, бири қўлини, бири аёғини, бири қанотини қаттиқ тишлаб, ўзларидан неча баробар катта бўлса ҳам тезгина қочурлар.

Кўрдингизми, юнг ўзи хўб майдадур,
Бирлашуб арқон бўлса, фил бойланур.
Иттифоқа куч-кувват кор айламас,
Иттифоқа жин ҳам озор айламас.

### «ҚЎШМА СЎЗЛАР»ДАН

Ҳозирги асрда илмсиз кишилар бошқаларга қул ва асир бўлувдан бошқа ҳеч ишга ярамаслар.

*Шавкати инсон эрур илму адаб,*
*Эътибор этмас анга молу насаб.*

# ИКИНЧИ МУАЛЛИМ* КИТОБИДАН

*Биринчи мактабларимизнинг шогирдларина алифбодан сўнг ўқутмак учун очуқ тил ва осон таркиб ила ёзилуб, ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланмуш ЎҚУВ КИТОБИдур.*

* 1915 йилги (Т., «Мактаб» нашриёти, Ильин литогр.) иккинчи нашрига асосландик.

## МУҚАДДИМА

Ерни ва кўкни, ер ва кўкдаги нарсаларни(нг) барчасини яратгон ёлғуз Аллоҳ таоло ҳазратларидур. Кўзларимизга кўринган ва кўринмаган катта ва кичик нарсаларни, инсон ва ҳайвонларни, кўкдаги қуёш, ой ва юлдузларни, ерни ёрутмак ва бизларни тарбия қилмак учун яратқучи яна жаноб Ҳақдур. Бизлар шул Аллоҳ таолонинг бандасимиз, Аллоҳ таоло бизнинг Тангримиздур. Жаноб Ҳақ бизларга ниҳоятда кўп неъматлар бермишдур. Бизларга берган неъматларининг мингдан бирини санаб – ҳисоблаб битирмак мумкин эмасдур. Аммо, бизга берган неъматларин орасинда **АҚЛ**дан азиз ва қимматли неъмат йўқдур. Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳ таоло бандаларга берган неъматлари орасинда **АҚЛ**дан яхширoқ нарса йўқдур», – демишлар. Эй ўғлонларим! Сиз ҳам улуғ неъмат қадрини билингиз! Жаноб Ҳақ бизларни ақлли инсон қилиб бошқа ҳайвонлардан ортуқ қилди. Ва бу ақлни нурландирмақ ва орттурмақ учун ўқумақ, ёзмақ, илму маърифат ҳосил қилмак керак. Ва бу неъматларни қўлға олмақ учун ёшликдан ҳаракат қилмак, чолишмак ва бу улуғ неъматлар баробарига Аллоҳ таолога шукр қилмак ҳар биримизга вожиб ва лозимдур.

## АҚЛ

Бир кун отамиз Одам алайҳиссаломга жаноб Ҳақ тарафиндан ҳазрат Жаброил **АҚЛ**, **ДИН** ва **ҲАЁ**ни келтуруб: «Аллоҳ таоло сизга бу уч нарсадан бирини олиб қолурга сизни ихтиёрлик қилди. Хоҳлаганингизни олиб қолингиз, сизга ҳадядур», – дедилар. Одам алайҳиссалом: «Ақлни ихтиёр қилдим», деганларида, ҳазрат Жаброил Дин ила Ҳаёга боқуб: «Сизлар ўз жойингизга кетингиз. Одам сизларни қабул қилмади», – десалар, алар: «Жаноб Ҳақ бизларни, Ақл қайда бўлса, сизлар ҳам шунда бўлурсиз, деб амр қилган эди, бизлар Ақлдан айрилмасмиз», – дедилар. Эмди

очуқ маълум бўлдики, Ақл қайда бўлса, Дин ва Ҳаё ҳам шунда бўлур экан. Ақл қанча ортса, юқориланса, Дин ила Ҳаё ҳам шунча қувват топар экан.

Ҳар киши қилса илм учун ҳаракат,
Версун Аллоҳ ақлина баракат.

### САЛАВОТ

Ҳадсиз-ҳисобсиз раҳматлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга бўлсунки, бизларга шариат йўлларин кўрсатган ва дин ҳукмларин ўргатган, бизларни мусулмон бўлишимизга сабаб бўлган, Ислом динин тарқатмак учун қанча машаққатлар чеккан, Макка кофирларининг жабру жафоларига сабр қилган, Аллоҳ амрин тутуб ўз ватанларин ташлаб, Мадинага кўчган, Уҳуд тоғиндаги урушда муборак тишлари синган, бутун умрларинда Аллоҳнинг амриндан бир қилча ойрилмаган, бор кучларини(нг) дини Ислом йўлинда сарф этган. Бизларга энг муқаддас китоб Қуръони карим ила суннатларин қолдириб кетган, баданлариндан жонлари чиқғунча «уммат», «уммат» деб оламдан ўтган бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом афандимиз ҳазратларидурлар. Мана бизларга шул суюклу пайғамбаримизга, авлоду саҳобаларига доим Аллоҳ таоло тарафиндан раҳмат сўрамак лозимдур. Бизлар шул зотнинг умматларидурмиз. «Умматман» демак фақат қуруқ тил ила бўлмас. Балки жону дил ила пайғамбаримизни(нг) буюрган ишларини қилур, кўрсатган йўлларидан айрилмаслик, тандан жонимиз чиқғунча биз ҳам «миллат», «миллат» деб дунёдан кетмаклик ила бўлур.

### МАКТАБ

Мактаб уйи — доруламон,
Мактаб ҳаёти жовидон,
Мактаб сафойи қалбу жон,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб эрур доруладаб,
Мактаб эрур эҳсони Раб,
Мактаб эрур гулзор ажаб,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб дуру гавҳар сочар,
Мактаб сиза жаннат очар,
Мактаб жаҳолатдан қочар,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб сизи инсон қилур,
Мактаб ҳаё эҳсон қилур,
Мактаб ғами вайрон қилур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб берур Қуръон сиза,
Мактаб берур имон сиза,
Мактаб берур ҳурон сиза,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб ўқувни кўрсотур,
Мактаб ёзувни ўрготур,
Мактаб уйқудин уйғотур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактабдадур илму камол,
Мактбададур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий хаёл,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб демак масжид йўли,
Мактаб эрур жаннат гули,
Мактабни сизлар булбули,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

Мактаб миси тилло қилур,
Мактаб сизи мулло қилур,
Мактаб сил(л)иқ салло қилур,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!

## САХИЙЛИК

Бир кишининг Саид исмли ўғли бор эди. Отаси ҳар кун мактабда таом олиб емак учун ўн тийин пул берур эди. Бир кун мактабга кетуб борганда, бир фақир киши йўлуқуб:

— Ўғлум, ики кундан бери очман. Таом олиб ей десам, устимдаги йиртиқ чакмондан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Бир оз оқчанг бўлса, берсанг, савоб топур эдинг, — деди.

Саид фақирнинг сўзига тоқатсиз бўлуб, ҳолиға раҳми

келуб, атоси берган ўн тийин пулни фақирга берди. Фақир бу ёш Саиднинг қилғон шафқату марҳаматига офарин қилуб, йиғлай-йиғлай дуолар қилуб кетди. Саид ул кун ўзи оч қолса ҳам очлиғини ҳеч кимга билдурмай, сабру қаноат ила ўткарди. Мактабдан озод бўлуб, уйига борган замон қилғон ишини отасига сўзлади. Отаси ҳам «сахий Саидим», деб хурсанд бўлуб, дуо қилди ҳам бундан сўнг Саидга ҳар кун йигирма тийиндан берурга ваъда қилди. Саодатлик Саид отаси берган йигирма тийиннинг ўн тийинини еб, бешини фақирларга беруб, бешини йиғуб, тездан бой бўлуб кетди.

## БАХИЛЛИК

Бир бахил кишининг уйига бир неча яқин дўстлари меҳмон бўлуб келди. Ул бахил меҳмонларни(нг) зиёфат қилмак ўрнига беҳуда сўзларни(нг) сўзлаб ўлтурди. Ародан кўп вақт ўтгандан сўнг хизматчисини чоқируб:

— Бор, таом пишган бўлса, олиб кел! — деди.

Шул вақт хизматчи бир табоқ устида пишгон хурусни олиб келган замон, бахил хизматчига боқуб:

— Бошини нима қилдинг? — деди. Хизматчи: — Афандим, нима қилур эдим, ташладим. Бахил: — Нодон! Киши хуруснинг бошини ҳам ташларми? Агар бир киши товуқнинг аёғини ташласа, ман боруб олур эрдим. Бош деган аъзоларнинг хўжасидур. Ул боши ила қандай яхши қичқирар эди. Маржон каби тожи ҳам бошинда эди. Энг ширин аъзоларидан саналгон тили, энг улуғ аъзоларидан мияси, ики шаҳло кўзлари барчаси бошинда эди. Бор, топиб кел! Биз емасак, меҳмонларга едурурмиз! — деди.

Кўрдингизми, бу бахил киши ҳеч нарсага арзимайдургон бир хурус бошидан бир неча хосиятлар баён қилуб, ўзининг қандай киши эканлигини билдурди.

## АХЛОҚИЙ ҲИКОЯ

Эшитдимки, машҳур Мажнун зор
Бўлуб мавти Лайлосидан беқарор,
Кетуб ҳушидан бўлди ҳоли хароб,
Равон бўлди Лайлони қабрин сўроб.
Йўлиқди: бир ўғлон эди ҳушёр,
Замондан хабардор эди, ақли бор.

Деди: «Эй ўғул! Қабри Лайло қаён?»
Ўғул кулди, берди жавобин равон.
Деди: «Сизмусиз ишқ лофин уран?!
Топар сўрмайин ишқ кайфин суран.
Мазора боруб иста ҳар гўрдан,
Олиб хокини иска мазкурдан.
На ердан ке(л)са ишқ-савдо иси,
У туфроғ эрур Лайлонинг турбаси».

### АРСЛОН ИЛА АЙИҚ

Бир кун Арслон ила Айиқ икиси дўст бўлуб, ов қилмоқчи бўлдилар. Саҳрога чиқуб, югуриб-елиб бир кийикни тутдилар. Емакчи бўлуб тургон вақтларинда ароларинда уруш пайдо бўлди. Арслон: — Ман каттаман. Манга кўброғ берурсан. Айиқ: — Ман кичик бўлсам ҳам сандан кўб ҳаракат қилдим, югурдим, елдим. Сан бир жойда қараб турдинг. Сергўшт ерини ман ерман, деб уруш бошладилар. Шу даражага етдиларки, икиси ҳам ўлар ҳолатга етуб, ерга йиқилуб, қимирлашга мажоли қолмади. Буларнинг ҳолидан бир неча бўрилар хабардор бўлуб, келишуб тайёргина кийик гўштини еб, суягини қўюб кетдилар. Бу ики жанжол қилгон бечоралар бир-бирларига дер эдиларки, агар бизлар урушмагон бўлсак эди, икимизнинг ҳам қорнимиз тўйгон бўлур эди. Мана, урушгонимиз учун икимиз ҳам оғзимиздаги ошимиздан айрилдук, деб афсус қилуб, охирда сурголиб боруб, молимизнинг сўлакайи деб, қуруқ суякни чайнадилар.

Урушгонлар суякни зўрға чайнар,
Тамошочи суяксиз этни пойлар.
Кетиб қаймоғи, сут қолгай ўзига,
Сут ҳам ширин кўрингай оч кўзига.

### БУЛБУЛ ИЛА ЭШАК

Бир куни Булбул ила бўлди Эшак ўртоғлар,
Юрдилар айлаб тамошо, ҳар тараф гулбоғлар.
Бир замон Эшак дейди: Эй, Булбули ширин забон,
Сайрагил, дўстим, бу дам, кетсун юракдан доғлар.
Ўлтуруб гул шохига Булбул чунон қилди фиғон,
Бўлди ҳайвонларда иш ташлаб қулоқ солмоғлар.
Барча қушлар офаринлар қилди Булбул товшига,

Гул бўлиб очди у дам гул ғунчаси яфроғлар.
Бир замон Булбул садосини(нг) қилиб эрди тамом,
Ҳангради Эшак, ҳама қочди йиғилгон зоғлар.
Кўрди Эшак ул замон, ҳеч кимса йўқ гулзорда,
Ерга оғнаб сочти бошиға қуму туфроғлар.
Айтди: Эй Булбул, ажойиб! Сайрашинг яхши экан,
Ман каби товшинг сани қилмас димоғ(н)и чоғлар.
Сайрашинг ишсиз кишиларга эшитмак яхшидур,
Ман бақирсам, ишларига қилдилар кетмоғлар.
Кўйлаги йўқлар тизи йиртуқ кишилардан кулар,
Хоҳ ҳайвон, хоҳ инсондур — ўзини соғлар.
Ҳар киши ўз айбини кўрмас, киши айбин кўрар,
Ўзгани бир игнача айби кўрингай тоғлар.

## НАФСИ БУЗУҚ ҲАЙИТДА ЎЛАР

Бир қишлоқи тоғдан ўтун кесмак учун борди. Бир кўзада олиб борган сутини дарахт остига қўюб, ўзи ўтун кесмак учун кетди. Шул вақт бир тулки келуб, кўзага бошини суқуб, сутдан бир оз ичган замонда ақли дедики, бас, бундан нари борсанг, балога йўлиқурсан. Нафси айтдики, ичабер, камбағалнинг бир тўйгони — чала бой бўлгони, деди. Тулки ақлин сўзига кирмасдан, нафсин йўлиға юрди. Бир вақт сут тамом бўлғондан сўнг тезгина қочмоқчи бўлғон замонда кўза бошини маҳкам сиқуб қолди. Бечора тулки қанча ҳаракат қилса, кўза ҳам шунча сиқа бошлади. Югурди, елди, ёлборди, кўза асло яқосини бўшатмади. Охирда аччиғи келуб, — сани сув ичинда бўғуб ўлдурмасам бўлмас экан, — деб кўзани олиб боруб бир катта сувга суқғон замонда, кўза тулкини тўғри сув остига олиб кируб кетди. Тулки сув остинда дер эдики:

Балойи нафс учун, охир, сурундим,
Келуб сайёд домига илиндим.
Агар ақлим сўзига кирсам эрди,
Азиз жоним саломат бўлгай эрди.

## АҚЛЛИ ҚАРҒА

Кунлар ёз фасли ўлдиғиндан ҳар ерда сувлар қурумиш. Бечора Қарға сув йўқлиғиндан ниҳоятда сувсамиш эди. Тиллари осилуб, ҳар тарафдан сув ахтармоқда экан, би-

ровнинг олдинда тургон кўзанинг кўруб, ёнига келуб боқса, ичинда суйи бор. Лекин бўйнини суқуб ичай деса, бўйи етмайди. Бир оз ўйлади-да тумшуғи ила тошларни йиғуб, кўзанинг ичига ташлай бошлади. Оз вақт ичинда кўзанинг остиндаги сув устига чиқуб, тоша бошлади. Ақлли қарға сувдан ичуб, ташналик балосидан қутулуб, учуб кетди.

## БОҒЧА

Боғчаларнинг хўб яхшидур ҳавоси,
Жонға роҳат верур завқи, сафоси.
Яғочлар-да яшил яфроғ ичинда,
Ранг-баранг гулларинг яшнар зиёси.
Сабза ўтлар аросинда очилган
Бинафшау қизил гулу раъноси.
Лекин гулнинг ёшлик каби умри оз,
Тез йўқ бўлур хуш қомати зебоси.
Яхши верур боғ, ишласа боғбон,
Чўнчокинда кўб бўлғуси ақчоси.
Ёшлигида кўб ўқуғон болани
Қариганда обод ўлур дунёси.

## ҲАСАД БАЛОСИ

Бир кун Зоғча инсонлар кабутарларни(нг) боқуб, аларга дон беруб, яхши уялар ясаб берганларига ҳасад қилуб, кўролмади. Бул ҳам кабутар бўлуб, текин донлардан еб, роҳатда яшамоқ бўлди. Ўзини оқ бўрга бўяб, кабутархонаға келуб, кабутарлар ила бирга яшамоқға бошлади. Бир кун осмонда учуб борадурғон бир неча зоғчаларни кўруб, бирдан «чағғ» деб кичқируб юборди. Ҳамма кабутарлар буни зоғча эконин билуб, ҳар тарафдан ёпишуб чўқий бошладилар. Бечора Зоғча кабутарлар аросиндан зўрға қочуб, зоғчалар аросиға боруб қўшилди. Зоғчалар ҳам буни зоғча эконига ишонмадилар. Ҳар қанча «чағ... чағғ...» деб ёлборса ҳам: — Ҳо нодон, бизни(нг) алдайман дерсанми? Бор, зоғча бўлсанг оқ чопонингни ешиб кел! — деб булар ҳам (анинг) бошларига чўқуб-чўқуб жўнатдилар.

Ҳисса: Бечора Зоғча ҳасад балосиға йўлуқуб, ики жаҳон овораси бўлиб қолди.

TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI № 34798

### АҚЛЛИ БОЛА

Бир бола қўшнининг уйига ўралмиш табақда таом олиб борур эди. Бир киши учраб:

— Эй ўғлум, табақда нима олиб борурсан? — деди.

Ақлли бола жавоб бериб:

— Эй отажон, табақ ичиндаги нарсани(нг) кишига айтмоқ ва кўрсатмоқ мумкин бўлса эди, усти ўралмаган, очиқ бўлур эди, — деди.

### ҚАЛАНФИР ИЛА ЧЎЛ ЯЛПИЗИ

Саҳрода ўсган Чўл ялпизидан сўрдиларки: «Сан аввалда ярамас бир ўт эрдинг, бу хушбўй исни қайдан олдинг?» — деб. Ялпиз жавоб бердики, «Рост, ман аввалда ямон бир ўт эрдим. Лекин бир неча вақт қаланфир ёнинда ўсуб, бирга яшадим. Аромизда дўстлик пайдо бўлди. Шул сабабли аввалги ямон исларим кетуб, дўстимнинг яхши ислари манга юқуб қолди», — деди.

Яхшиларнинг суҳбати — жон роҳати,
Сўзлари — дарду аламнинг офати.

### ОВОЗ

Бир бола мактабдан келуб, китобларини қўюб, таомларини еб, ўйнамоқ учун боғга кируб, шул кун ўқугон сабақини қичқируб ўқугон замон қулоғига қўшнининг девори тарафиндан бир боланинг ўқугон товши келди. Бу овозни эшитган замон боғда мандан ҳам бошқа бола бор экан деб суюнуб:

«Кел ўртоғ! Икимиз бирга ўқушуб, бирга ўйнаймиз», деса ул ҳам шул сўзни айтди. Боланинг бир оз аччиғи чиқуб, атрофни охтара бошлади. Кўп вақт излади, ўзидан бошқа ҳеч кимни кўрмади. Охирда жаҳли чиқуб, ямон сўзлар айтса, ул тарафдан ҳам ямон сўзлар эшитди. Бола ниҳоятда хафа бўлуб, йиғлаб, боруб онасиға айтди: «Эй онажон! Боғда бир ямон бола бор экан, ман нимани сўзласам, шуни айтур. Манга ямон сўзлар сўзлади. Қанча изласам ҳам topolмадим», — деди. Онаси боланинг ўзининг овози эканин билуб: «Эй ўғлум! Сан анга ямон сўз айтма. Яхши сўз айтсанг, ул ҳам санга яхши сўзлар ила жавоб берур», — деди. Бола яна боғга боруб яхши сўзлар сўзласа, жавобига яхши сўзлар эшитди. Ақлли бола билдики, яхши

сўзга инсонлар яхши жавоб, ямон сўзга ямон жавоб берурлар эмиш. Бундан сўнг бола ҳеч кишига ямон сўз айтмайдурғон бўлди.

## ЯЛҒОН ДЎСТ

Бир вақт ики киши дўст бўлуб, сафарга чиқмишлар эди. Бир тоғ ичиндан кетуб боргонларинда узоғдан бир йўлбарсни кўрмишлар. Дўстларнинг бири дарҳол югуруб бир дарахт устига чиқмиш. Икинчиси шошилуб қолуб, нима қилишин билмай, ерга чўзулуб, ўликға ўхшаб ётмиш. Йўлбарс келуб искаб-искаб ўлук гумон қилуб қайтуб кетмиш. Ўртоғи дарахтдан тушуб: «Биродар, йўлбарс қулоғингга нима деб сўзлаб кетди?», – деб сўрамиш. Йўлдоши: «Оҳ, дўстим! Шодлиғингда ўртоғ бўлуб, ғам вақтингда ташлаб қочадурғон номард кишилар ила йўлдош бўлма!» – деб сўзлаб кетди, деб жавоб бермиш.

## ЧИН ДЎСТ

Ики одам бир-бирига дўст бўлдилар чунон,
Бир нафас айрилмас эрди бир-биридан ики жон.
Маслаҳат бирла сафар қилмоқни айлаб ихтиёр,
Бўлдилар саҳро тамошоси учун бир кун равон.
Йўлда бир дарёдан ўтмак тўғри келди дўстлара,
Ўлтуруб бир кемага кетмоғда эрдилар ҳамон.
Бир замон тўлқун келуб ул кемани қилди хароб,
Ул ики ўртоғ йиқилдилар сув узра ногаҳон.
Сув юзинда ул замон кетмакда эрдилар оқиб,
Сувчилар келдилар ушлаб олғали сувдан омон.
Ул ики дўстнинг бирини тутса, сувчиға деди:
Қўй мани, аввал боруб, дўстумни қутқар безиён.
Сувчи боруб ушласа ўртоғини,
Ул ҳам айлар дўст қутулсун деб фиғон.
Кўрдингизми, эй сучук ўғлонларим,
Дўстлиғдан бу сиза бир достон.

## ХУРУС ИЛА БЎРИ

Бир Бўри дарахт устинда ўлтурғон Хурусни кўруб, тутуб емак учун дарахт остига келди. Ҳийла бирла бечора Хурусни дарахтдан тушурмақчи бўлуб: «Эй, Хурус ўртоғ!

Ман санга бир яхши хабар келтурдим, ҳайвонлар ила қушлар орасинда сулҳ бўлди. Бир-бирига зулм қилмасга, бири иккинчисин тутуб емасга қарор верилди. Кел, биродар, пастга туш! Бир-биримизга дўст бўлуб, бирга ўйнашайлук», — деди. Хурус Бўрининг сўзига алданадурғон даражада нодон ва аҳмақ бўлмадиғиндан Бўрига боқуб дедики:

— Дўстим, сўзинг ростдур, тўғридур. Лекин бир оз сабр қил. Сандан бошқа ики ит ҳам сулҳ хабарин кетурурлар. Алар ҳам келсунлар. Ҳаммамиз бирга ўйнашурмиз, — деди. Бўри Хурусдан бу сўзни эшитган замон думини орқасиға қўйиб қоча бошлади. Хурус: «Ҳо, биродар, нима учун қочурсан, арода сулҳ бор-ку?» — деса, Бўри:

— Оҳ дўстим! Бу золим итлар сулҳни бузгонға ўхшайдур, — деб қочуб кетди. Хурус орқасиндан «қуққ... қурии... қуу...» деб қичқируб қолди.

Ақл эгаси ҳийлага алданмагай,
Ҳийлагарнинг ҳийласи бошин егай.
Дўст ила душман сўзининг фарқи бор,
Фаҳм этар ҳар кимки, ўлса ҳушёр.

## ЖАНЖАЛЧИЛИК ЗАРАРИ

Бир сув устига кўприк каби бир тахта қўйилмиш эди. Бу тахтанинг устиндан ўтмак учун ики эчки ики тарафдан келуб, бир-бирига йўлуқти. Бири дедики: — «Ман сандан каттаман, сан ёшсан, арқангга қайт. Манга йўл бер», — деди. Иккинчиси:

— Сан катта бўлсанг, улуғлиғинг ўзингға. Ман сандан қувватли. Сан қайт. Мандан сўнгра ўтарсан, — деб араларинда зўр ғавғо чиқди. Икиси ҳам бўйинларин эгишуб, шохларин шохларига қўюшиб, чунон сузишдиларки, охирда сувга юмалаб тушуб, икиси ҳам сувда ғарқ бўлди.

## ТАМАЪ БАЛОСИ

Бир Сичқон қофқонни кўрган замон:

«Ёҳу, инсонлар қандай ҳийлакордурлар. Ажабо, манга ов учун ичига бир парча ёғ қўймишлар-да, мани алдаб қофқонга туширмак истарлар. Амон, ё Раб! Ман яхши билурманки, бу ов эмас, манинг учун қурилмиш бир тузоқдур. Хайр, бу ҳийла ила мани алдай олмассиз», — деб қайтуб

кетмак бўлди. Шул вақт бир оз ўйлаб, ўз-ўзига дедики: «Бу ёғдан емасам ҳам бир оз искамак мумкин. Аммо ман ёғ исини кўб яхши кўраман. Кел, буни искамакда нима зарар бор», — деди-да, қофқон ёнига келуб, ёғни искай бошлади. Ёғнинг иси думоғига хуш келуб, тез-тез искаб турган замон бурни ёғни туртиб юборуб, қофқон «шарт» этуб кетди. Бечора Сичқон тамаъ балосига гирифтор бўлиб қолди.

Байт

Оз тамаъ кўб зарарлари кетирур,
Нафсини тиймаган ўзин йитирур.

**АҚЛСИЗ БОЛА**

Бир киши ўғлина бериб теша,
Ўғлин ақлин қилурға андиша.
Деди: «Ишлат бу тешани, ўғлум.
Бундан ақлинг менга бўлур маълум».
Ўғлон ушлаб қулига тешасин,
Кўр, нечук кўрсатур тамошосин.
Борди масжид деворининг тагина,
Ковлади теша бирла яхшигина.
Кўрди ул дам ота ўғил ҳолин,
Бўлди маъюс, бузди аҳволин.
Ўғлин ики қулоғидан бурди,
Оҳ тортуб бу сўзни айтурди:
«Теша бердим: ўтун кесу бовла,
Ким деди, масжид остин ковла».
Ибрат олмақ керак бу ўғлондан,
Ҳақ бизи мамнун этди эҳсондан.
Тутмака қўл, юрар учун по(й)лар,
Берди бир неча бошқа аъзолар.
Ҳар бирин ишлатур ери бордур,
Ишлатур билмаган киши хордур.
Ўйламай миллат уйини бузсак,
Йиқилур уйимиз ипин узсак.

**БОЛАЛАР БОҒЧАСИ**

Йигитликда ўқувдан қолсанг, ўғлон,
Қариганда пушаймонсан, пушаймон.
Улуғлик молу давлат бирла эрмас,

Саломат бўлса ақлинг, сенга шул бас.
Гўзаллик юзда эрмас, эй биродар,
Сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар.
Сўзинг оз ўлсуну кўб маъни бўлсун,
Эшитганлар қулоғи дурга тўлсун.
Такаббур бўлмағил, бўлғил мулойим,
Бўлурсан шоду хуррамликда доим.
Биров қилса ғазаб сен сўкма они,
Будур яхши кишиларнинг нишони.
Ямонлик қилсалар, сан яхшилик қил,
Ямонлиғни ҳўкузни бўйниға ил,
Насиҳатни қулоғингға илиб ол,
Ямон сўзни эшитмай тез кетиб қол.
Сўзинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
Миси чиққай, сўзинг кўб бўлса бир кун.
Кўпайган сўзни бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидин ози бўлур соз.
Бировдин бир нимарса сўрма зинҳор,
Кишининг миннати санга на даркор?!
Талаб қилғил муродингни Худодан,
Гадосан, сўр муродинг подшодан.
Жадал қил илм учун ўғлум, ҳамиша,
Кучинг борида ғайрат бирла пеша,
Экин вақтида ухлаб ётса деҳқон,
Ўроқ вақтида бўлғай кўзлари қон.

## ТАҚСИМ

Бир кун икки бола кўчада ўйнаб юрган замонда бир адад янғоқ топдилар. Бири айтди: «Ман олурман, аввал ман кўрдим». Иккинчиси: «Йўқ биродар, ман олурман, ердан ман олдим», — деб икиси ғавғо қилуб туруб эдилар. Бир йигит келуб: «Эй чароғларим! Шошманг, талашманг, ман сизларга яхшилаб тақсим қилуб берурман», — деб янғоқни қўлларидан олуб, ики палла қилуб, бир палла пўчоғини биринчи болага, икинчи палла пўчоғини икинчи болага беруб: «Мана, қолгони тақсим қилгон кишига», — деб мағзини оғзига солуб, жўнаб кетди. Болалар бўлса, пўчоғини ушлаб, бақраюшуб қолдилар.

Ҳисса: Озга қаноат қилмаган кўбдан қолур.

## БОЛАРИ ИЛА ПАШША

Бир Пашша қир тарафдан учуб келмакда ўлан Арини кўруб:

«Дўстим, қайдан келурсан?» — деди. Ари: «Қирдан келурман. Бир оз бол йиғдим. Уй ясамоқ учун мум ҳам ҳозирлаб келдим», — деди. Пашша: «Оҳ供 биродар! Бир бошинг учун мунча ҳаракат қилурсан! Нима бўлурки, сан ҳам ман каби роҳатда яшасанг. Чунки менинг яшамоқимда ҳеч бир машаққат йўқ. Инсонлар тарафиндан ҳозирланган дастурхонлардан ҳар хил таомларни еб-ичуб умр ўткарурман. Баъзи вақтларда сани ясаган болингдан ҳам тўйганимча ерман. Мана! Яшамоқ мана! Умр кечурмақ учун оламда мундан яхши турмуш бўлурми? На манда бол ҳозирламак машаққати ва на уя солмак кулфати бор», — деди. Ари бу сўзларга жавобан дедики:

«Оҳ дўстим! Бу сани турмушинг ўз бошингдан бери келмасун. Машаққатсиз таомда лаззат бўлурми?!

Инсонлар сани суфрадан қуварлар, урарлар, ўлдирурлар. Сан оламда ўғрилар каби умр ўткарурсан. Охирда бир ўргумчак луқмаси бўлмакдан бошқа бир нарсага ярамазсан. Аммо манинг тайёрлаган мумим ҳамма ибодатхоналарни ёрутар. Болим дунёнинг ҳамма еринда мақбулдур. Инсонларнинг оғизларини тотли қилур. Шул сабабли инсонлар мани ўзлари тарбия қилурлар ва ҳар ерда мани мақтарлар», деди-да, «Қуй, биродар, мани ишим кўб, сан ила беҳуда сўзларни сўзлашуб турурга вақтим йўқ», — деб учуб кетди.

Ҳисса: Меҳнаг — охири роҳат, ялқовлик — охири хорликдур.

## ЙИЛ, САНА

Бир йил ўн икки ойдур. Бир ой тўрт ҳафта, бир ҳафта етти кундир. Шанба, якшанба, душанба, сешанба, чаҳоршанба, панжшанба, жумъа. Бир кун йигирма тўрт соат, бир соат олтмиш дақиқа — «минут»дир. Ой ҳисоби икки хил бўлур. Бири қамарий, иккинчиси шамсий.

## ҚАМАРИЙЙЯ ҲИСОБИ

Қамарийя ҳисоби ила ойларнинг арабча исмлари: муҳаррам, сафар, рабиъул-аввал, рабиъул-охир, жумодулаввал, жумодул-охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа.

Қамарийя ойларининг олтиси 30 кундан, олтиси 29 (кун)дан келадур. Бу ҳисоб ила бир йил уч юз эллик тўрт кун бўладур. Бу ҳисоб мусулмонларнинг диний ибодат, байрамлари учун юритилур. Мусулмонча йил боши биринчи муҳаррамдан ҳисобланур. Ўнинчи муҳаррамда ҳазрати имом Ҳусайннинг Карбалода шаҳид бўлган кунларидур. Бу кун мусулмонларнинг мотам ва дуо кунидур. Рабиъул-аввалнинг ўн иккинчи куни Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғулган кунларидур. Бу кун мусулмонларнинг улуғ байрам ва шодлиғ кунларидур. Биринчи рамазондан бошлаб биринчи шавволгача рўза тутилур. Биринчи шавволда Ийди фитр намози ўқилур. Уч кун мусулмонларнинг улуғ байрамлари бўлур. Ўнинчи зулҳижжада Ийди қурбон намози ўқилур. Қурбон(лик)лар сўйилур. Тўрт кун байрам қилинур.

**Санаи шамсийя ҳисоби ила ойларнинг исмлари**

| АРАБЧА | РУСЧА | РУМЧА[1] | КУН |
|---|---|---|---|
| Ҳамал | Морт | Морт | 31 |
| Савр | Апрел | Нисон | 30 |
| Жавзо | Мой | Маис | 31 |
| Саратон | Июн | Ҳазиран | 30 |
| Асад | Июл | Таммуз | 31 |
| Сунбула | Август | Оғстус | 31 |
| Мезон | Сентабир | Эйлул | 30 |
| Ақраб | Ўктабир | Тишрини аввал | 31 |
| Қавс | Нўябир | Тишрини соний | 30 |
| Жадйи | Декабир | Конуни аввал | 31 |
| Далв | Январ | Конуни соний | 31 |
| Ҳут | Феврал | Шубот | 28 |

[1]Туркия туркчасида

Санаи шамсийя ойларининг баъзилари 30 ва баъзилари 31 кун. Ёлғуз ҳут ойи 28 кундур. Ҳар тўрт йилда ҳут 29 (кун бўлуб) келур. Бу йилни зўр йил деб аталур. Арабчада йил боши биринчи ҳамалдан, русчада биринчи январдан, румчада (биринчи) конуни сонийдан бошланур.

## ЙИЛНИНГ ФАСЛИ

Бир йил тўрт фаслға бўлинур. Бири ёз, иккинчиси куз, учинчиси қиш, тўртинчиси баҳордур. Ёз ойлари: июн, июл, августдур. Куз ойлари: сентабир, ўктабир, нўябирдур. Қиш ойлари: декабир, январ, февралдур. Баҳор ойлари: морт, апрел, мойдур.

## ЁЗ ФАСЛИ

Ёз фаслида дарахтларнинг барги яшил бўлуб, яшил барглари орасида мевалари тарам-тарам қизоруб, экинлар фишуб, оқил инсонлар каби бошларини эгуб салом қилурлар. Боғлар ўзларини гуллаб, ранг-баранг яфроғлар ила ясатурлар. Мактаб ва мадрасаларда ўқушлар тўхталуб, шогирдлар ҳар тарафга саёҳат қилурлар.

## КУЗ ФАСЛИ

Куз фаслида кунлар қисқарур, биринчи сентабирдан бошлаб ҳар ерда мактабу мадраса очилур. Шогирдлар елкаларига жилдларини осуб, одобу яхши ният ила мактабларига борурлар. Ҳаволар салқинланиб, экинлар ўрилуб, дарахтлардан мевалари, барглари тўкилуб, яшил ўтлар сарғаюб, ҳар нарсадаги гўзал манзара — кўриниш тамом бўлур.

## ҚИШ ФАСЛИ

Қиш фаслида қуёш биздан йироқлашур, ҳаволар совур, сувлар музлар, ер юзи қор ила қофланур, учар қушлар оз қолур, саҳрода ўтлайдурғон жониворларга, сафарда юрадурғон савдогарларга кун кўрмак машаққат бўлур. Қурту қумурсқалар ер остига кирарлар. Пашша ва арилар баҳоргача ўлган каби қотуб ётурлар.

## БАҲОР ФАСЛИ

Баҳор фаслида кунлар узаюр, дарахтлар барг чиқарур, қишнинг зулмидан ҳар тарафдан қочган қушлар келур, ер устига ўтлар яшил гилам каби ёзилур, сувлар тошар, ёқимли еллар турар, гуллар яшнар, отлар кишнар, булбуллар сайрар. Ер юзидаги инсонлару ҳайвонларнинг юзида шодлигу севинч бир асар кўрилур. Хусусан, саҳрову боғларнинг манзараси, ҳар тарафдан сувларнинг шалоласи, гулларнинг хуш иси, қушларнинг гўзал овоз-нағмаси инсонларнинг думоғларини чоғ қилуб, янги ҳаёт, янги руҳ, янги сафо берур.

## МАКТАБА ДАЪВАТ

Боқди гунаш панжарадан бизлара,
Ётма! Деюр барча ўғил-қизлара.
Нолаи фарёд қилиб барча қуш:
– Мактабингиз вақти, деюр сизлара.
Бошлади ҳар ким ўз ишин ишлара,
Сиз-да, туринг мактабингиз излара.
Учди ари боғчалара бол учун,
Бузов турур уйда чўкуб тизлара.
Сиз-да, китобларни(нг) олинг шавқ ила,
Тез югуринг илм йўлин гезлара.
Дангасани суймаюр Аллоҳ ҳеч,
Кетсун оқуб дангаса денгизлара.

## БЎРИ ИЛА ХОТУН

Бир оч Бўри таом охтаруб юргон замонда бир уйдан бир хотуннинг товшин эшитурки, боласига боқуб: «Йиғлама, сани бўрига берурман», – дер. Бечора Бўри қачон боласини менга чиқоруб берур экан, деб эшигида ўлтирур эди.Ародан бир неча соат ўтар. Хотун яна боласига боқуб: «Йиғлама, қўзим, ман сани бўрига бермасман. Бўрининг ўзи ҳам бу ерға кела олмас. Агар келуб қолса, ман ани бошига калтак бирла уруб, ўлдурурман», – дер. Бўри хотундан бу сўзларни эшитуб, дер: «Оҳ, ёлғончи инсонлар, ҳеч бир тўғри сўзламассиз! Ҳозир бир хил сўзлаб туруб, бир нафасдан сўнг бошқа сўзга кўчурсиз! Оламда сиздан айёр жонивор йўқтур!» – деб жўнаб кетди.

Ҳисса: Ҳар киши бу оламда ўз нафсин балосиға қолмишдур.

## ИКИ ДЕВОНА

Ўтган замонда бир девона бир шаҳарга боруб, ҳар кимни уруб, сўкуб, нима учун одамлар ҳаммаси бир тарафга қараб юрмаслар. Бири бу тарафга кетса, бири у тарафга кетар, деди. Одамлар жавоб бердиларки, ҳар ким ўз иши бор тарафга борур, бири бозорга борса, бири уйига қайтур, дедилар. Девона буларнинг сўзини қабул қилмади. Охирда ароларидан бири туруб, бу девонадур. Девонанинг сўзига шояд девона жавоб берса, деб бир девонани олиб келди. Биринчи девона сўрдики: «Ер юзидаги одамлар нимага бир тарафга қараб юрмаслар?» Иккинчи девона: «Ер кемага ўхшаш сув устинда турадур. Агар одамлар ҳаммаси бир тарафга қараб юрсалар, барчамиз сувга ағдарилуб кетармиз», — деб жавоб берди. Биринчи девона: «Балли, дўстим! Ҳаммадан сан яхши жавоб бердинг!» — деб жўнаб кетди.

Ҳисса: Ҳар кишига ўз маслакдошининг сўзи мақбулдур.

## БЎРИ ИЛА УЗУМ

Бир бўри боғни айланурди кириб,
Боқди ҳар ёнга кўзларини йириб.
Кўрди: Бир бош узум ажаб пишгон,
Турланур қизил бўлуб тизилиб.
Нафси қилди анга қараб ҳаракат,
Оғзидан келди сувлари сизилиб.
Ирғиди, сакради узумға қараб,
Нафаси оғзи-бурниға сиқилиб.
Бўйи етмай ололмади, жўнади,
Қайта-қайта боқиб-боқиб, тикилиб.
Йўлда айтур Бўри узумга қараб:
— Хомсан ва ғўрасан, бўлмайди тегиб,
Тишласам, тишларим қамаштирасан,
Пишмагансан экан ҳануз эзилиб.
Бўйи етмай узумга бечора,
Кетди навмид ўлуб суяк қидириб.

## ЯХШИЛИК

Бир кун бир яхши киши кўчадан ўтиб борғонида бир неча ҳаёсиз кишилар орқасидан ямон сўзлар ила сўкиб қолдилар. Бу киши аларнинг сўзини(нг) эшитиб, қўлини

кўтариб: «Ё Раб, бу нодонларға ўзинг ақл бергил ва тўғри йўлға солғил!» — деб дуо қилди. Бу ҳолдан хабардор бир киши сўрадики, «Нима учун сиз ул кишиларнинг ҳаққиға яхши дуо қилдингиз?» — деб. Ул киши: «Эй биродар, ҳар ким ўзида борини берур. Менда яхшилик бор эди, шуни бердим, онларда ямонлиғ бор экан, они бердилар. Ўзингда йўқ нарсани қайдан олиб берурсан, ҳар ким қилганича топар, ямоннинг ямонлиғи ўз бошига етар», — деб жавоб берди.

Ҳаё-номус имона далилдур,
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.

## ОЧКЎЗЛИК

Бир бола кўчада йиғлаб ўлтуруб эди. Ўтуб-кетуб тургон кишилардан бири: «Ўғлум, санга нима бўлди? На учун мунча йиғларсан?» — деб сўради. Бола: «Бир тийин оқчам бор эди, йўқотиб қўйдим. Шунинг учун йиғларман», — деди. У кишининг болага раҳми келуб, «Мана ўғлим, оқчанг йўқолган бўлса, ман санга бошқасини берурман», — деб чўнтагидан бир тийин оқча чиқоруб берди. Бола оқчани олуб, яна аввалгидан ортуқ йиғламоқға бошлади. Ул киши: «Дахи нимага йиғларсан?» — деса, бола: «Оҳ, отажон! Агар ўз оқчам йўқолмаган бўлса эди, ҳозир оқчам ики тийин бўлур эди», — деди.

Кўзинг оч бўлмасун, ўғлум, кўзинг оч,
Қаноатсиз кишини ухлатуб қоч.

## ИЛМСИЗЛИК БАЛОСИ

Бор эди бир киши, хат билмас эди бечора,
Бўлди бетоб, юрак-бағрига чиқди ёра.
Эртаси ўғлина айтдики, аё тифл адиб,
Бор, кетур боқмоқ учун қошима бир яхши табиб.
Ўғли келтурди табибни атосин қошиға,
Ўлтуруб боқди табиб, ул дам, аёғу бошиға.
Ики хил дору ёзиб берди ўшал бемора,
Бирини ичмак учун, бирисини суртора.
Ўғли дору уйидан олди ики шиша даво:
Бириси шарбат эди, бириси оғуйи бало.

Шиша устинда давонинг бор эди таърифаси,
Ўқумоқдан йўқ эди хастанинг ҳеч маърифаси.
Шишалардан бирини ушлади аввал қўлина,
Ичди шарбат дебон оғуни — сурарди дилина,
Ул замон бағри ёниб, айлади фарёду фиғон,
Бўлди бир неча нафас, сўнг танидан жони равон.
Отаси ўлди, ўғил йиғлади фарёд айлаб,
Қўшниси олим эди, чиқди белини бойлаб.
Қилди ўғлона насиҳат, деди: эй, тифл забун,
Илмсизликдан отанг жонидан айрилди букун.
Ўқумоқ, ёзмоқи билсайди отанг, эй ўғлон,
Балки бошига қазо келмас эди ушбу замон.
Қувватинг борида хат билмоқ учун қил ҳаракат,
Сан жадал қилсанг, ўзи бергуси Аллоҳ баракат.
Ибрат ол, ўғлим, отангдин, бўлмағил сан ярамас,
Қилмағил умрингни зое, дема қиш-ёз, ўқу, ёз!

## АҚЛЛИ БОҒБОН

Бир боғбоннинг уч ўғли бор эди. Учи ҳам дангаса ва ишёқмас эдилар. Боғбон бир кун касал бўлди. Ўғилларин ишга солмак учун ёнига чоқируб: «Ўғлонларим, мани ажалим етган ўхшайдур. Ман сизларга васият қилуб кетайин. Боғнинг ичига бир кўза олтун кўмуб қўйғонман. Мандан сўнгра ўзингиз кавлаб, топуб, бўлишуб олурсиз», — деди. Ародан бир неча кун ўтмай, боғбон дунёдан ўтди. Ўғиллари олтун ахтаруб, боғни чунон қазидиларки, туфроғлари кул бўлиб кетди, лекин токнинг илдизидан бошқа ҳеч нарса тополмадилар. Аммо шул йили ток чунон узум қилдики, оқчаси неча кўзага тўладургон олтун бўлди. Сўнгра бу ялқовлар билдиларки, олтун ерда эмас, ишловда экан.

Ҳисса: Ҳамма ямонлиқларнинг оноси — дангасалик, қўрқоқлик — отосидур.

## БЎРИ ИЛИ ҚЎЗИ

Бир Бўри сув ичмак учун сув бошиға келди. Паст тарафда сув ичуб турган бир Қўзини кўрди. Они(нг) бир ҳийла билан тутиб емакчи бўлуб: «Эй ярамас, нима учун

ман ичодургон сувни булғотурсан?», — деди. Қўзи: «Афандим, бу қандай сўз! Сиз сувнинг юқори ёғинда, ман қуйи ёгинда бўлсам, ман қандай сувни булғатурман?!» — деса, Бўри яна қичқируб: «Ўтган йил сан манинг отамни(нг) ҳам сўккан эдинг, эмди манга ҳам қаршилик қилурсан», — деб келуб, Қўзига ёпушди. Бечора Қўзи:

«Афандим! Ман ўтган йил отангизни сўкмак қайда, ўзим онадан ҳам туғилғоним йўқ эди», — деса ҳам: «Ҳа, нодон, ҳоло ҳам адабсизлик қилурсан», — деб бечора Қўзини парча-парча қилиб, еб қўйди.

Ҳисса: Ямоннинг кучи япалоқға етар.

## ШАЙХ САЪДИЙ

Шайх Саъдий ҳазратлари кичиклик вақтларинда оталари ила бирга саҳар туруб ибодат қилур эдилар. Бир кун уйларига бир неча меҳмонлар келуб, ётуб қолмиш эди. Ул кеча турган вақтларинда меҳмонларнинг «пиш-пиш» ухлаб ётганларин кўруб, оталарига: «Булар қайдоқ[1] инсондурларки, ибодат учун ҳеч бирлари бошларини кўтармаслар, ибодатдан ғафлатни яхши кўрурлар экан», — деганларида, оталари: «Эй ўғлум! Ибодат қилурман деб саҳар туруб, бировни айбини кўрганингдан, сан ҳам булар каби тошдек қотиб ётганинг яхши эди», — дедилар.

Ҳисса: Ўз қабоҳатини кўрган кишини(нг) ўзгаларнинг қабоҳатларини кўрмакка вақти бўлмас.

## ҚЎРҚОҚ

Бир киши ғоят қўрқоқ ва юраксиз ўлуб, кечалари асло кўчага чиқмас эди. Бир куни ўртоғлариндан бири: «Биродар, сан ҳам кечаси кўчага чиқ, нимадан қўрқасан. Агар бир киши санга қараб қорайиб келур бўлса, сан ҳам онинг устига босуб боравер. Сан қандоқ қўрқсанг, ул ҳам сандан шундоқ қўрқар. Санинг юраклик ва ботирлиғингни кўруб, сандан қочар», — деб они юраклик қилмак учун насиҳат қилса... «Оҳ дўстим, бу иш асло бўлмас. Агар бу насиҳатни ул одам ҳам эшитган бўлса, ул ҳам манинг устумга қараб бостуруб келса, ман ул вақтда қайга қочуб

[1] Қандоқ

қутулурман. Қуй, биродар, санинг билгонинг ўзингға, мени билгоним ўзимға», — деди.

Тарбият қилгон била ноасл одам бўлмагай,
Ифни юз алвон ила ранг этсалар бўлмас ифак.

## ИТ ИЛА ГАДО

Бир Ит эгасининг эшигини пойлаб ётмиш эди. Елкасида хуржин, қўлида таёқ кўтарган бир Гадо кириб келди. Ит буни кўргон замон вовуллай бошлади. Бечора Тиланчи Итга боқуб, ёлворуб: «Ҳе, жонивор, манга боқ, марҳамат қил. Ики кундан бери таом егоним йўқ», — деди. Ит Тиланчига боқуб: «Бу мани санга қилгон марҳаматим эмасму? Уйдаги кишилар мани товушимни эшитуб, чиқуб санинг қорнингни тўйғазурлар», — деди.

Ҳисса: Баҳоси арзонни сўзи қимматли бўлур.

## МАҚТАНЧОҚ ҒОЗ

Бир Ғоз сувда сузуб юруб: «Оламда мандан ҳунарманд қуш йўқтур. Ерда югурарман, сувда сузарман, ҳавода учарман. Бир ўзимнинг уч хил ҳунарим бор», — деди. Ғознинг бу сўзини бир Қурбақа эшитуб: «Биродар, сан мунча мақтанмасанг... балиқдек сузолмайсан, кийикдек югуролмайсан, лочиндек учолмайсан. Чала-чулпа уч ҳунарни билгунча, бирини яхшилаб билгонинг яхши эди», — деди.

Мақол: Мақтанма ғоз, ҳунаринг оз.

## АЙИҚНИНГ ДЎСТЛИҒИ

Бир Қишлоқи Айиқ бирла йўлдош бўлуб, икиси бирга яшар эдилар. Ҳар вақт Қишлоқи ухласа Айиқ тепасида, дўстимга бир нарса зарар қилмасун, деб пойлаб ўлтирар эди. Бир кун Қишлоқи ухлаб ётканда бир пашша келуб пешонасига қўнди. Ҳар қанча қувса кетмади. Охирда аччиғи келуб: «Бу золимни уруб ўлдурмасам бўлмас», — деб, бир катта тошни олиб келуб, Қишлоқининг бошига чунон урдики, пашша учиб кетуб, Қишлоқи ўлуб қолди.

Ҳисса: Дўсти нодондан душмани зийрак яхши.

## КАЛАМУШ ИЛА СИЧҚОН

Бир кун Сичқон Каламушнинг уйига боруб: «Қўшни, ман сизга бир яхши хабар кетурдим. Мушук Йўлбарснинг қўлига тушган эмиш... Бизларга Мушук каби золим душмандан қутулмоқ зўр шодлиғдур», — деди. Каламуш Сичқонга боқуб:

«Эй қўзим, сан ҳоло ёшсан, ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Йўлбарс Мушукни ўлдурур, деб ўйлайсанми? Йўқ, жоним, алданурсан. Бутун оламда Мушукдан зўр ҳайвон йўқдур. Ман бир-ики марта синаганман. Аллоҳ ҳеч кимни онинг чанголига гирифтор қилмасун», — деди.

Ҳисса: Ҳар киши ўз кушандасидан қўрқар.

Кесак қаноти синиқ қуш кўзига тош кўринур,
Элакда турса кефак, оч кўзига ош кўринур.

## КЎР КИШИ

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом Тур тоғига борурларида йўлларидан тусуб бир кўр киши оёғларига йиқулуб: «Мени ҳақимга дуо қилинг, кўзим очилсун», — деб ёлборди. Ҳазрат Мусо дуо қилдилар, кўзи очилди. Эртаси яна Тур тоғига боришларида кўрдиларки, ул кўр киши кўчада ким кўрунса, шуни уруб, ҳамани тўполон қилуб юрибдур. Мусо алайҳиссалом: «Аллоҳ сени билиб кўр қилган экан. Неъмат қадрин билмас экансан, сендек кишиларнинг кўзини очуғидан кўр бўлгани яхшироқдур», — деб яна дуо қилдилар, аввалгидек кўр бўлуб қолди. Ҳисса:

Мушукни бўлса гар ики қаноти,
Қолурми дунёда чумчуқни зоти.
Эшак бўлса ҳўкиздек ики шохлик,
Берурми бошқа ҳайвонларга соғлик.

## АҲМАД ИЛА ОТАСИ

Бир кишининг Аҳмад исмлик ўғли бор эди. Аҳмад бир кун мактабдан келурида бир бола бирла урушуб, бир мушт уруб, бошини ёруб қўйди. Ул бола келуб Аҳмаднинг отасига арз қилди. Отаси Аҳмадни чақируб, маҳкам ики қулоғини(нг) бураб: «Эй ўғлум, ман ҳам ёш вақтимда санга ўхшаш муштзўр эдим, чанголимга тушгон кишини амон қўймас эдим. Иттифоқо, бир кун ўзим ҳам бир муштзўр-

нинг қўлига тушуб қолдим, чунонам адабимни бердики, иккинчи ўзимдан кучсизларга асло муштзўрлик қилмайдурган бўлдим», — деди.

Ҳисса:

Улуғларни адаб сақлаб, қил иззат,
Кичикларга мурувват қил, мурувват,
Ўқувни ёқасини қўйма зинҳор,
Кучинг етса, қаламнинг бошини ёр.

### СОҚИ ИЛА ОНАСИ

Соқи бир кун мактабдан келуб, оносидан таом сўради. Оноси олдига бир коса шўрбо кетуруб қўйди. Соқи шўрбодан бир қошуқ оғзига олуб: «Она, ман бу мазасиз шўрбонгни ичмасман», — деди. Оноси: «Ичмасанг қўй, ўғлум. Бошқа пишируб берурман», — деб олдидан олуб қўйди. Соқини(нг) кечғача хазон тошитуб, ишлатди. Соқи ҳоруб, чарчаб қорни очуб ўлтургон эди. Оноси яна шул шўрбони иситиб олиб келуб, олдиға қўйди. Соқи шўрбодан бир оз ичиб кўриб: «Мана, онажон! Бу қандай тотли шўрбо бўлмиш. Умримда асло мундоғ ширин шўрбони ичконим йўқ», — деди. Оноси кулуб: «Эй, ўғлум, бу бояги ўзинг ичмагон шўрбодур. Ҳозир сан ҳаракат қилдинг, ишладинг, қорнинг очди, иштаҳанг очилди. Шўрбо ҳам ширин бўлди», — деди.

Ҳисса:

Ишламак иштаҳа очар,
Дангаса ишдан қочар...

### КЎР ИЛА ЧЎЛОҚ

Бир кўр киши ила чўлоқ — икиси бир катта сув лабидан кетуб борур эдилар. Буларга сув устига ташланган яғочдан ўтмак лозим бўлди. Чўлоқ айтдики: «Биродар бу яғоч устидан ўтарга мани аёғим ярамас». Кўр айтдики: «Агар менинг кўзим бўлса эди ўтар эдим», — деди. Чўлоқ айтдики: «Бўлмаса, сан (мани) орқангга офич, ман санга йўл кўрсатуб, оёқ қуёдурғонерингни айтуб турай, икимиз ҳам ўтиб кетармиз», — деди. Шундай қилуб бир-бирларини ёрдамлари ила ики ёрти бир бутун бўлуб сувдан ўтдилар.

Ҳисса: Жаноб Ҳақ ер юзидаги инсонларни бир-бирига муҳтож қилуб яратмишдур. Муҳтож вақтида қўлдан келганча бир-бирига ёрдам қилмак, ҳожат чиқармак лозимдур.

# ТУРКИЙ ГУЛИСТОН ЁХУД АХЛОҚ*

*Мен бу асари ночизонамни биринчи мактабларимизнинг юқори синфларида таълим бермак ила баробар улуғ адабиёт муҳиблари, ахлоқ ҳаваскорларининг анзори олийларина тақдим қилдим.*

*Ҳар кун ўлурам шомғача мен ғамга гирифтор,*
*Ҳар шаб ёнарам оташа парвона каби зор.*
*Ҳеч кимса эмас бу мени аҳволима воқиф,*
*Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор?*

---

* 1917 йилги 2-нашри (Тошкент, Нар. Соц. Рев. литогр.) асосида нашрга тайёрланди.

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

### АХЛОҚ

Инсонларни(нг) яхшиликға чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур. Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жанобиХақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмакға саъй ва кўшиш қилган киши чин баҳодир, паҳлавон кишидур. Расули акрам набиййи муҳтарам афандимиз: «Мезон тарозисига қўйиладурган амалларнинг ичида яхши хулқдан оғирроқи йўқдур. Муъмин банда яхши хулқи сабабли кечаси ухламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат қилган кишилар даражасига етар», демишлар.

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардан,
Йўқса жим турмоқинг эрур яхши.
Ўйласанг, яхши фикрлар ўйла,
Йўқса, гунг бўлмоқинг эрур яхши.
Ишласанг, ишла яхши ишларни,
Йўқса, бекорлиғинг эрур яхши.

### ХУЛҚ

Инсон ики нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрар. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузулуб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлуб ўсдими, «Аллоҳу акбар», бундай кишилардан яхшилик

кутмак, ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

«Бир тоғнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди деб эшитсангиз, ишонмангиз», — демишлар.

Хулқи ёмон юз, кўзлидин на суд,
Юз, кўзли хулқни қилмас кашуд.
Хулқ маризига даво истасанг,
Марг давосин берилур қистасанг.

Хулқи ёмоннинг кетурар кўп зарар,
Хулқинг ўзи бошинг(г)а калтак урар,
Хулқи фано бўлса дегил, алҳазар,
Хору залилликда қолур дарбадар.

## ЯХШИ ХУЛҚ, ЁМОН ХУЛҚ

Ахлоқ уламоси инсонларнинг хулқларини икига бўлмишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликға тавсиф бўлуб «яхши хулқ», агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлуб кетса, ёмонликға тавсиф бўлуб «ёмон хулқ» деб аталур. Жанобы Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадурган қилуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур. «Қуш уясинда кўрганин қиладур». Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатлануб, катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулуб ўсса, Аллоҳдан қўрқмайдурган, шариатга амал қилмайдурган, насиҳатни қулоғига олмайдурган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб қолур.

Расули акрам набиййи муҳтарам афандимиз: «Имони комил бўлган кишилар яхши хулқли бўлурлар. Сизнинг энг яхшиларингиз хотунларига яхшилик қилганларингиздур», — демишлар.

Худонинг раҳмату файзи ҳама инсонга яксардур,
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардур.

Туғуб ташлов ила бўлмас бола, бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.

Темурчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси золим.
Ёмонларга қўшулди Нуҳнинг ўғли ўлди беимон,
Юруди Кахф ити хўблар ила бўлди оти инсон.

### ТАРБИЯ

Тарбия — «Педагўгия», яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илми ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бир оз сўз сўйлаймиз. Боланинг саломи ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур. Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдур. Зероки, «Ҳассину ахлоқакум» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакға амр ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур.

Ахлоқимиз(нинг) биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур. Баъзилар «тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас»,

Ёмон хў тузалмайди дармон ила,
Ипак ўлмас ип, ранги алвон ила,
Боқинг, бир дарахт мевасидур ёмон,
Бўлур яхши пайванд, парво билан.
Билур ҳар киши аслини рангидан,
Ва ёким улангандаги зангидан», —

демишлар.

Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоқга, албатта таъсири бўладур. Аромизда масал борки, «Сут ила кирган, жон ила чиқар», мана бу сўз тўғридур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Бешикдан то мозорга боргунча илм ўрган», — демишлар. Бу ҳадиси шарифнинг маъноси бизларга далилдур. Ҳукамолардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатлар-

нинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдур», — демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядур. Пайғамбаримиз: «Болаларингизни етти ёшида намозга ўргатингиз. Агар ўн ёшида ўқумаса урингиз», — демишлар.

Ҳар кишининг дунёда ороми жони тарбият,
Балки охирида эрур доруламони тарбият.
Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур ила рузвонлара,
Гар десам бўлмас хато жаннат макони тарбият.

Э, оталар! Жонларингиздан сучук фарзандингиз,
Ғайрат айланг ўтмасун вақт-замони тарбият.
Мояи зилли ҳумодур тарбиятнинг сояси,
Бизда анқо тухмидек йўқ ошиёни тарбият.

## ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНИ

Эмди очуқ маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизи нурландурмак, ахлоқимизи гўзаллантурмак, зеҳнимизи равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? — деган савол келадур. Бу саволга, «биринчи — уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи — мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур», деб жавоб берсак, бир киши деюрки, «қайси оналарни айтурсиз, билимсиз боши пахмоқ, қули тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар», дер. Мана, бу сўз кишини юрагини эзар, бағрини ёндурур. Отасига нима дерсиз, десак, «қайси ота? Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари киймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқутмак, тарбия қилмак лозимдур», — дер. Мана бу сўзни эшитгач, умид қўллари қўлтиқға урилур.

Хайр, бўлмаса, муаллим-чи десак, «қайси муаллим? Мақсади пул, маслаги шуҳрат, юқори мактабларда ўқимаган, «усули таълим» кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари «дорилмуаллимин»ларда ўқимаклари сўнгра дарс бермаклари лозимдур», — дер. Мана бу сўз инсонни ҳайрат дарёсига ғарқ қилур.

Мударрисларга не дерсиз десак, «қайси мударрис? Матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб, нафсларидан кечуб, замонға мувофиқ равишда дарсларини ислоҳ қилуб, имтиҳон бирла ўқутмаклари лозимдур», — дер. Мана бу сўз ҳар кимни «Ал-ислоҳ» демакка мажбур қилур. Бўлмаса, ҳукумат-чи? десак, «хайр, ҳукумат ҳамманинг отасидур. Ўз фуқаросининг болаларини тарбия қилмак лозим. Шунинг учун бизнинг Русия ҳукумати ўгай бўлсак ҳам, ҳар ерда бизлар учун ҳам мактаблар очуб, болаларимизни текин ўқитур. Лекин ўзимиз иш билмаган, ялқов, уйда она тарбияси, отадан пул тарбияси, муаллимдан ахлоқ тарбияси, мударрисдан фунун тарбияси кўрмаганимиздан, ҳукумат мактабларидан ҳам ўз ҳиссаларимизни ололмаймиз», — дер. Мана бу сўз бизларни тарбиядан маҳрум, ҳуқуқнинг на эканин билмаганлигимизни билдирур.

Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Инсонларнинг карами динидадур, муруввати ақлиндадур, ҳасаби ахлоқиндадур», демишлар.

Агар бир қушнинг ёш боласин олиб,
Бўлур тарбият бирла йўлга солиб.
Онасин олиб асрағон бирла ром
Қилмас, киши саъй қилса мудом.

Керак тарбият ёшликдан демак,
Улуғ бўлса лозим келур ғам емак.
Эгур бемашаққат киши навдани,
Туғунчи[1] эгур куйдириб кавда[2]ни.

## БАДАН ТАРБИЯСИ

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар. Маишатимиз-

[1] Темирчи маъносида
[2] Тақа

ни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлидур. Биз сиҳатимизни сақламак ила амр ўлинганмиз, шунинг учун вужудимизни ҳифзи сиҳатга зид бўлган ёмон одатлар ила чурутмакдан сақланмаклигимиз лозимдур.

Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ икиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур. Шунинг учун ота-оналар болалари касал бўлган замон бепарволик қилмай, тезлик ила табиб ё дўхтурга боқизмак керак.

Имом Шофеъи ҳазратлари: «Илм ики хилдур: бири бадан илми, икинчи дин илми», — демишлар. Бунга қараганда энг аввал ҳифзи сиҳат қоидаларини билмак, саломатликга терс бўлган нарсалардан сақланмак ила бўладур.

Ичкулик, кўкнор, наша, афюн, тарёк, чилим, нос, попирус каби баданнинг саломатликиға зарарли, оғулик, баъзиси ҳаром, баъзиси макруҳ, баъзиси исроф бўлган нарсалардан қочмак, сақланмак шариат, ақл, ҳикмат юзасидан лозимдур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ҳар нарса кўп ичганда маст қиладургон бўлса, ман сизни онинг озгинасиндан ҳам наҳйи қиламан», — демишлар.

Саломатликни сақлов лозим ишдур,
Гунаҳдан сақла жисминг ёзу қишдур.
Касал бўлсанг, бўлур дунё қоронғу,
Маишат талх ўлуб ҳасрат чекишдур.

Ҳарому шубҳадан пок эт ўзингни,
Бу дунё айшу ишратдан кечишдур.
Ҳама ишратчи ҳижронликда кетди,
Бу оламдан бир иш ишлаб кетишдур.

## ФИКР ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг

даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлидур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, икиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

Масалан: жой солинмаган яхши бир уйнинг ичида ўтирмак мумкин ўлмадиғи каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуруб зийнатланган эски иморат ҳам ўлтурушга ярамайдур. Башарти ўлтурулса, инсонлар: «Эски уйга янги золдевор», «кир кўйлакка жун жияк», «мис қозонга лой тувоқ» деб «ҳажв» кулги қилурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикринг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшан замир ўлур бенур.

## АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Ахлоқ тарбияси: инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи ахлоқ тарбиясидур. Биз аввалги дарсда тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедук, чунки: дарс олувчи — билувчи, тарбия олувчи — амал қилувчи демакдур.

Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларига омил бўлуб, шогирдларга ҳам берган дарсларини амал ила чоқуштуруб ўргатмаклари лозимдур. Бу равиш таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилуб, муллойи боамал бўлурлар.

Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Энг ёмон кишилар илмига амал қилмайдурган кишилар», — демишлар. Агар тарбия қилувчи муаллим ўзи олим бўлуб, амалсиз бўлса, бунинг ҳам шогирдларнинг ахлоқига зўр таъсири бўладур. «Домланинг ўзи фалон жойда фалон ишни қилди. Аммо бизларга қилманглар, ҳаромдур, деб ваъз айтадур», деб фикр ва хаёлларига бўйла шак ва шубҳа тушуб қоладур.

### Байт

Минбар узра жилва айлаб ваъз этарлар қилма деб,
Ўзларин хилватда кўрсанг, они қилмоқда эмиш.
Ичма сув дерлар биза олтун-кумуш асбобда,
Билсамиз мақсудлари қўлтиқға урмоқда эмиш.

## ЯХШИ ХУЛҚЛАР

Яхши хулқ — бир қисми ўз нафсимизга, бир қисмини бир-биримизга қарши ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулқлар: фатонат, диёнат, исломият, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, мунсилик, садоқат, муҳаббат ва афвдур. Мана бу ёздиғимиз яхши хулқлар ақл ва шаръи шарифга мувофиқ, Аллоҳ таоло ҳам бандалар қошида мақбул ва мўътабардур. Эмди бу яхши хулқларни қўлга олмак учун ота-она, муаллим устодларимиз ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглаб, доим хотирда тутмак, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмак, ахлоқи бузуқ ёмон кишилардан қочмак лозимдур. Бизим шариати исломияда «ахлоқи ҳасана» — яхши хулқлар ила хулқланмак, ҳар нарсага ибрат кўзи ила боқуб, хулқини тузатмак вожибдур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Исломиятда бузуқлик йўқдур, бузуқликни устига олув ҳам йўқдур. Исломиятда энг мўътабар кишилар яхши хулқ эгаларидур», — демишлар.

Байт

Яхши бирла юрса, ҳар ким мақсуди ҳосил бўлур,
Юрса нодонлар ила бир кун боруб қотил бўлур.
Катталар қилган насиҳатни кичиклар олмаса,
Оқибат хулқи бузуқ бир беадаб жоҳил бўлур.

## ФАТОНАТ

Фатонат ақл эгаси бўлув демакдир. Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидур. Инсон ақли ила дину эътиқодини(нг) маҳкам қилур, шариат ҳукмларига бўюнсунар. Ақлсиз, жинни кишилар буларга бўюн қўймас, шариатдан ташқари ишларин ҳам қилур. Жаноби Ҳақ инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Ҳайвонлар ўзларига бўлаклар тарафидан келадургон зулм ва жабрларни шох, тиш, тумшуқ, тирноқлари ила қайтарурлар. Лекин инсон жаноби Ҳақ тарафидан берилмиш ақл ва идроки соясида ўзига

келадургон зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб, бўюнидан бойлаб, ипларини учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур.

Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари нажотидур.

Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим, ақлсиз кишилар на мактабга кирар ва на муаллимни(нг) билур.

Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Эй инсонлар! Ақлингизга тавозеъ қилингиз. Сиз жаноби Ҳақ буюрган ва қайтарган нарсаларни ақлингиз ила билурсиз», — демишлар.

Ҳукамолардан бири: «Агар ақлингни қўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур», — демиш.

Ақлдек зебо сифатни кўрди Ҳақ, инсонга эб,
Оқил инсонлар билан берди жаҳон — оламға зеб.
Ақл нури бирла тўлди дунёга илму ҳунар,
Ақлсиз инсон қачон билгусидир нафъу зарар.
Ақлсизлар билмагайлар дин надур, дунё надур?
Бўлмаса ақли билурми фарз ила суннат надур?

## ДИЁНАТ

Диёнат Аллоҳ ҳузурина яқин қиладурған муқаддас эътиқоддурки, оламда мундан суюкли нарса йўқдур.

Дин ва эътиқоди саломат бўлмаган кишилар ҳақни ботилдан, фойдани зарардан, оқни қорадан, яхшини ёмондан айира олмас, мундай кишилардан на ўзига ва на бошқа кишиларга ва на миллатга тарикча фойда йўқдур. Дин жаноби Ҳақ тарафидан бандалари учун қурилмиш тўғри йўлдирки, банда дунё ва охиратда бу йўл ила соҳили саломатга чиқар. Дин уламолари диний китобларда Аллоҳ таолога ибодат қилишни йўл ва қоидаларини баён қилмишлар. Ибодат ики турли буладур. Бири тан ибодати, икинчи руҳ ибодати. Тан ибодати таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж каби амаллардурки, буларнинг ҳар бирини ўз вақтида шариатга мувофиқ равишда миннат қилмасдан, риё қилмасдан дилни поклаб, ниятни холис қилиб, шавқу завқ ила адо қилмоқ лозимдур. Руҳ ибодати қалб ила

адо қилинадурган ибодатдурки, эътиқодни маҳкам, дилни пок қилуб, Қуръон, Ҳадис, фиқҳ каби диний китоблар ўқилганда жон қулоғи ила тинглаб асарланмакдур. Бир киши тан ибодатини қилуб, руҳ ибодатини қилмаса, ё руҳ ибодатини қилуб, тан ибодатини қилмаса ўз вазифасини адо қилмаган бўладур. Ақл дин ила, дин амал ила, амал тақво ила камол топар. Дин инсонларнинг дилидан саховат, марҳамат, шафқат, улфат, мурувват эшикларини очуб, саодату саломат бўстонига олиб борур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Аллоҳни кўз олдингда кўриб тургандек ибодат қил, зероки, сан они кўрмасанг ҳам, албатта, ул сани кўрадур, нафсингни ўлган ҳисоб эт», — демишлар.

Байт

Пок қилғил динингни(н)и, имонингни,
Қул ҳува-р-раҳмон оманно биҳ.
Динингни ёқмасун ҳавас зинҳор,
Ва қино, раббано, азоба-н-нор.

## ИСЛОМИЯТ

Исломият бутун инсониятдур. Инсоният эса яхши хулқдан иборатдур. Исломиятни Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимизнинг ёлғуз ўзлари бутун дунё юзига яхши хулқлари соясида тарқатдилар. Саҳобалар ҳам пайғамбаримизнинг орқаларидан эргашуб, маҳкам эътиқодлари, яхши ахлоқлари, пок қалблари, ўткур шижоатлари ила ер юзини титратдилар. Кундан-кун исломиятнинг шавкат ва қуввати ортди. Оламга маданият, маърифат, мусовот, адолат уруғлари Арабистон ярим отосидан[1] ёйилди. Бунинг сабаби саҳобалардаги метин эътиқод, бузулмас иттифоқ, соф қалб, яхши амал, холис ният, туганмас ғайрат, гўзал ахлоқ эди. Ҳар нарсанинг офати ўлдиғи каби замонларнинг ўтуви ила исломиятнинг иттифоқина кўз тегди.

Мусулмонлар орасига тафриқа тушди. Ҳикмат эгалари, фунун соҳиблари исломиятдан қувланди. Илму ҳикмат хазиналари қулфланди. Жаҳолат, адоват ҳукм сурди-да, бўйла ўлди:

Афсус экинзорни селоб олибдур,
Деҳқонни фалокат босуб, уйқуда қолибдур.

[1] Оролдан маъносида (*Б. Қ.*)

Мусулмонларнинг дилига иттифоқ ўрнига нифоқ, адолат ўрнига зулм, муҳаббат ўрнига адоват, ғайрат ўрнига атолат, мурувват ўрнига ғазаб, саховат ўрнига булх, тавозеъ ўрнига кибр, садоқат ўрнига ифтиро, шафқат ўрнига ҳасад, ҳилм ўрнига ҳамоқат, ҳурмат ўрнига хусумат, қаноат ўрнига тамаъ, сабр ўрнига ғурур, иқтисод ўрнига исроф, афв ўрнига даҳшат, саъй ўрнига сафоҳат, ғайрат ўрнига хурофот ерлашди. Мана, шул ёмон хулқлари сабабидин асри саодатдан буён исломият кейин қараб кетди. Ғариб миллатнинг чин хулафоси, уламоси, ҳукамоси тахтиндан, мансабиндан, мазҳабиндан сурулди. Одиллар ерина золимлар, олимлар ерина абу жаҳллар, булбуллар ерина қарғалар, қумрилар ерина бойқушлар, билмам ва ҳокимлар ерина кимлар ўтурди. Шул сабаблара мабни исломият дунёси инқироз саҳросина юзланди. Ислом ҳукуматлари-да бирин-бирин кўздин ниҳон ўлди.

Етса навбат ўлтурар бойқуш Сулаймон томига,
Ўрмагучлар[1] ин қуяр Афросиёб айвонига.

## НАЗОФАТ

Назофат деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмоқни айтилур.

Поклик зеҳну идрокингни кенг ва ўткур қилур. Халқ орасида эътибору шуҳратга сабаб бўлур. Поклик ила ҳар хил касаллардан қутулуб, жонимизнинг қадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадур. Пок бўлмаган киши Аллоҳ ҳам халқ қошида севимсиздур. Йиртиқ, эски кийимлар киймак айб эмас, янги кийимларни кир қилуб ёғини чиқаруб юрмак зўр айб ва гуноҳдур. Чунки бу иш шариатга терс, тарбияти баданга зид, ажнабийлар кўзига исломиятни чиркин қилиб кўрсатмоқ бўладур, ҳам бир йилга етадурган кийимлар олти ойга етмай, қирқулуб тамом бўладур. Бу исроф, мол қадрини билмасликдур. Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак. Балиқнинг ҳаёти сув ила ўлдиғи каби, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладур. Агар тан пок бўлуб ювилуб турмаса, қулоқ кир бўлса, эшитмагани каби бадан ҳам ўзига керак бўлган ҳавони ичига ололмас, ичидаги рутубат ҳам кирдан

[1] Ўргумчак

ўтуб чиқуб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзликдур. Агар кўзи кир олса, ун туруб сув ҳам ўтмас, шунинг учун тамиз бўлмаган кишилар қўрқинч касалларга тезгина гирифтор бўлурлар. Шодлиқлари ғамда, олтундан қадрли умрлари касалхоналарда ўтар. Мана шуларни риоя қилуб, шариатимиз бизга покликни фарз қилмишдур. Поклик мусулмонлиғнинг илдизидур. Шунинг учун тани, кийими, жойнамози пок бўлмаган кишининг ибодати ҳам дуруст бўлмайдур. Расули акрам набиййи муҳтарам саллаллоҳу алайҳи васаллам афандимиз: «Ислом дини пок диндур. Бас, пок бўлингиз, пок бўлмаган киши жаннатка кирмас», — демишлар.

Халқи олам суйгусидур тозалик ва покни,
Поклик орттургусидур фаҳм ила идрокни.
Ҳар кишини кўксида поклик нишони бўлмаса,
Тозалик майдонидан қувғайлар ул бебокни.

## САЪЙ ВА ҒАЙРАТ

Саъй ва ғайрат деб устига юкланган ибодат ва хизматларни ҳаракат бирла адо қилмакни айтилур.

Шариат ҳам ақл юзасидан ялқовлик қилуб, ишсиз, бекор юрмак дуруст эмасдур. Зероки Қуръони карим бизларни саъй қилмоқга амр этмишдур. Дангасалик ҳар вақт инсонни хор, тамаъ балосига гирифтор қилур. Бир ишга машғул бўлган кишилар вақтни ўтганини билмас, ялқов кишилар учун бир соат вақт ўткармак қиёматдан қийиндур. Ғайрат вужудимизга қувват, масъуд ва бахтиёр бўлишимизга сабабдур. Шунинг учун ҳар биримиз саъй қилуб, ўз кучимиз ила маишатимизга керак бўлган нарсаларни топуб, бошқаларга муҳтож бўлмай роҳат-роҳат яшамоқ лозимдур. Сиҳатимиз, саодатимиз, сарватимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, алҳосил, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлидур. Ҳаракатсиз кишилар ҳар нарсадан маҳрум. Доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлуб хорликда қолурлар. Киши ёш вақтида илму маърифат, ҳунару санъатга бўйин қўймаса, тараддуд қилмаса, албатта, қора ишчи бўлуб қолур. Шариатга терс, қонунга зид бўлмаган хизматларни қилмак айб эмасдур. Агар бунга ҳам бўйин қўймай, бу кўмурчилик, бу темирчилик, манга муносиб иш эмас деб, дангасалик қилуб, ишсиз юрса, зўр айб, ғайратсизликдур. «Ғайратликдан имон қутулмас» деган ма-

сал бор. Бунга қараганда дунё ва охиратимиз учун ғайратни қўлдан бермаслик лозимдур. Ғайрат имона, салобати виждона далолат этар. Ҳазрати Умар эшик олдида бекор ўтирган бир кишини кўруб: «Ғайратсиз кишилардан Худо безор, исломият ғайрат ила ривож топди, сендек ялқов кишилардан исломият ҳазар қилур», — демишлар.

Ҳақ буюрди: «Лайса лил-инсони илло мо саъо»,
Ғайрат ила ўтди оламдан Муҳаммад Мустафо.
Биз-да умматмиз, қилайлик саъй ила хайру сахо,
Қилсалар шояд шафоат соҳиби рўзи жазо.

## РИЁЗАТ

Риёзат деб савоб ишларни қилуб, гуноҳ ишлардан сақланмоқни айтилур. Риёзат адабнинг кони, руҳнинг дармонидур. Инсонларни тўғри йўлга солуб, эгри йўлдан қайтаргувчи риёзатдур. Шул сабабли риёзат қилғувчилар оқил ва фозил бўлур. Аллоҳ ҳам халқ қошида мақбул ва мўътабардур. Ялқовлик, кўп ухламак, ёмон одамлар ила юрмак, вақтни бекор ўткармак, айшу ишрат қилмак, кўп ошамак, фойдасиз сўзлар сўзламак, самоварларда, кўчаларда азиз умрни бўш ўткармак каби ишларнинг ҳаммаси риёзатга зид, умрнинг эгови, Худонинг ғазабидур. Аллоҳнинг буйруғи, Расулуллоҳнинг суннатлари, шариат қил деган ишларни(нг) бирин-бирин ўз вақтида қилмак ибодат ҳам риёзатдур.

Риёзатни риоя қилган кишилар ҳеч вақт шариат йўлидан айрилмас, Аллоҳ буйруғидан четга чиқмас ва бу йўл ила охират азобидан қутулур, роҳат ва раҳмат саройига кирар, риёзатни риоя қилмаган кишилар Аллоҳ таолонинг ризосини тополмас, хор-зор бўлуб, охиратда аламлик азобига гирифтор бўлур.

Афлотун ҳаким: «Мен риёзатдаги лаззатни ҳеч нарсада кўрмадим, зероки, вужудимнинг саломати, руҳимнинг саодатини риёзатда топдим. Шунинг учун риёзат айни саодатдур деярам, чунки фикрнинг, тилнингислоҳи баданнинг риёзатига боғлидур», — демиш.

Ибн Сино ҳаким: «Тан риёзатидан кўпроқ руҳ риёзати лозимдур. Мард киши ўзини риёзат ва адаб ила кўрсатсун, инсон ила ҳайвон орасидаги фарқ ёлғуз маишатда эмас, яхши ахлоқ касб қилмоқдадур», — демиш.